

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари  
(2016 йил 31октябрь-5 ноябрғача )**

**№9**

**Тошкент – 2016**

## **АҚШнинг сайланган Президентига табрик**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 10 ноябрь куни Доналд Трампни сайловдаги ишончли ғалабаси ва Америка Қўшма Штатлари Президентлигига сайланганлиги муносабати билан табриклади.**

Ўзбекистон раҳбари АҚШ билан стратегик шерикчилик муносабатларининг барқарор ривожланаётганлигини таъкидлади.

Жорий йилда Америка Қўшма Штатлари томонидан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эътироф этилганига 25 йил бўлади. Ўтган давр мобайнида қўшма саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигининг мустаҳкам пойдевори қурилди.

Шавкат Мирзиёев Доналд Трампга соғлиқ-саломатлик ва масъулиятли давлат мансабида улкан муваффақиятлар, бутун АҚШ халқига эса тинчлик, осоишталик ва тараққиёт тилади.

## **Хатамжон Кетмоновнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви**

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 11 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Қ.Эргашев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Н.Сиддиқов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари самарасида вилоят туман ва шаҳарлари замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлиги изчил юксалиб бормоқда. Замонавий турар жой бинолари, ишлаб чиқариш объектлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, мухташам спорт ва маданият кошоналари, кенг ва равон йўллар барпо этилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган "Жиззах" махсус иқтисодий зонаси нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайловолди дастури партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракциясининг парламентдаги кўпчилик – Демократик кучлар блокига нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилгани, бу муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларга асосланган.

Бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтирилайдиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини

яхшилашда фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни кенг жорий этиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга устувор аҳамият берилган.

Учрашувда Жиззах уй-жой ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи директори Б.Ибодов, Жиззах шаҳар 2-оилавий поликлиникаси бош шифокори Қ.Ҳайдарова, меҳнат фахрийси П.Шукуров, Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Ҳ.Неъматова номзоднинг дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

## **Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 11 ноябрь куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Хоразм вилояти кенгаши раиси Ш.Сафарбоев очди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси Хоразм вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот 5,3 фоиз ўсган. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20 фоиздан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7 фоиздан ортгани муҳим омил бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши изчил ошиб, бугунги кунда 75 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган устувор вазифалар белгиланган. Унда давлат идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва одил судловни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликка янада кенг имконият бериш, озуқабоп ва экспортбоп

экинларни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини ошириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтди. Урганч шаҳри ва вилоятнинг барча туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси С.Искандаров, "Давсувхўжаликназорат" давлат инспекцияси Хоразм вилояти бўйича инспектори К.Ортиқов, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаниёзова, меҳнат фахрийси Ж.Ўтамов, меҳнат фахрийси А.Вапаев, Хонқа педагогика ва спорт коллежи ўқувчиси З.Исмоилова ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар мамлакатимизни янада ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёнлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

## **Хатамжон Кетмоновнинг Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашуви**

**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов 11 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.**

Видеоконференция шаклида ташкил этилган учрашувни халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати Қ.Эргашев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Н.Сиддиқов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари самарасида вилоят туман ва шаҳарлари замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли турмуш фаровонлиги изчил юксалиб бормоқда. Замонавий турар жой бинолари, ишлаб чиқариш объектлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, мухташам спорт ва маданият кошоналари, кенг ва равон йўллар барпо этилмоқда. 2013 йилда ташкил этилган "Жиззах" махсус иқтисодий зонаси нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз таракқиётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайловолди дастури партиянинг ғоя ва дастурий мақсадларига, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламентдаги кўпчилик – Демократик кучлар блокига нисбатан ўзини муҳолифат деб эълон қилгани, бу муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор ғояларга асосланган.

Бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган

маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни кенг жорий этиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантиришга устувор аҳамият берилган.

Учрашувда Жиззах уй-жой ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежи директори Б.Ибодов, Жиззах шаҳар 2-оилавий поликлиникаси бош шифокори Қ.Ҳайдарова, меҳнат фахрийси П.Шукуров, Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Ҳ.Неъматова номзоднинг дастури ва унда белгиланган вазифалар хусусида фикр билдирди. Сайловчиларни 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

## **Халқаро кузатувчилар Наманганда**

**Наманганда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узоқ муддатли кузатувчилари Диана Франка Феррари ва Шейн Кёнг Ан ўз миссиясини бошлади.**

Кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси Пахриддин Маткаримов билан учрашди. Унда кузатувчилармиссия сайловни баҳолашда ЕХХТ мажбуриятларига, демократик сайлов ўтказишнинг халқаро стандартлари ва талабларига ҳамда миллий қонунчиликка таянишини таъкидлади.

Кузатувчилар сайлов жараёнида бўлиб ўтадиган тадбирларни, сайлов маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар фаолиятини, қонунчиликка риоя қилинишини кузатади ва сайловга тайёргарлик, сайлов кунги тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини мониторинг қилади.

– Мен Ўзбекистондаги сайловларда мазкур миссия кузатувчиси сифатида иккинчи марта иштирок этмоқдаман, – дейди Диана Франка Феррари. – Аввало, биз Ўзбекистондаги шундай муҳим сиёсий тадбирда иштирок этаётганимиздан мамнунлигимизни, ўзбек халқининг маданиятига чуқур ҳурмат билан қарашимизни айтмоқчимиз. Ҳар бир сайлов алоҳида жараён ва бир-бирини такрорламайди, шунинг учун уларни солиштириб бўлмайди. Биз Наманганда сайлов участкалари фаолияти билан танишамиз, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашамиз.

Кузатувчилар округ ва участка сайлов комиссияларининг таркиби,

фаолияти, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тадбирлари, уларга қонунчилик талаблари асосида тенг шароитлар яратиб бериш масалалари билан қизиқди. Кузатувчиларга вилоятда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

## **БМТда Ўзбекистоннинг ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашидаги раислиги давридаги устувор йўналишлари билан таништирилди**

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги Бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Ислом Ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқи Бош Ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Унда халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистоннинг бугунги кунда дунёдаги кўп томонлама ҳамкорликнинг энг йирик ва қудратли институтларидан бири - ИХТ билан самарали ҳамкорлиги истиқболлари ҳақида маълумот берилди.

Ҳужжатда келтирилича, “Таълим ва маърифат - тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” мавзуси Кенгашнинг Тошкент сессияси кун тартибининг асосий ғояси этиб белгилангани чуқур рамзий маънога эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев хотирлатган “Бу ғоя “Бешиқдан қабргача илм изла” деган машҳур ҳадисга ҳамоҳангдир. Ушбу мавзу катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, буюк давлат арбоби сифатида узокни кўра оладиган Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан дунё халқлари, ўз халқи тақдири, бугунги мураккаб шароитда муқаддас динимизнинг аҳамияти ҳақидаги чуқур мулоҳазалар натижаси сифатида таклиф этилган эди”, - деган сўзлари келтирилади ҳужжатда.

Унда шунингдек, БМТ ҳамжамиятига, ўзбек халқи маънавий меросининг бутун бойлиги, унинг ислом қадриятларини авайлаб-асраш ҳамда ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдиришга муносабати баён этилади.

“Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавий ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шунини ўргатади”, дейилади ҳужжатда.

Маърузада шунингдек, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки

йилларидан бошлаб инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш, ислом динининг жамиятдаги ўрнини, тарихий ислом ёдгорликлари, муқаддас қадамжоларни қайта тиклаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар баён этилади. Шу ўринда мамлакатимиз томонидан таълим ва маърифат, жумладан, диний таълим соҳаларида ҳамда асосий мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этиш борасида эришилган муваффақиятлар ҳақида маълумот берилади.

Ҳужжатда Ўзбекистон Ислом динидан зўравонлик ва хунрезлик мақсадларида фойдаланишга уринаётган кимсаларни кескин қоралаши ва улар билан ҳйеч қачон муроса қила олмаслиги таъкидланади.

Ҳужжатда қайд этилганидек, тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-харакатлар содир этилаётган бир пайтда ИХТнинг Ташкилотга аъзо давлатлар кучларини тинчлик йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалар юзасидан мулоқот қилиши учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган роли ва масъулияти янада ортмоқда.

Шундан сўнг халқаро ҳамжамият эътиборига Ўзбекистоннинг ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг раиси сифатидаги устивор йўналишлари ҳақида маълумот берилади. Хусусан, мусулмон давлатларининг самарали ва нуфузли форуми сифатида ИХТнинг ролини мустаҳкамлаш, ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари меросини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш, инновацион ривожланиш, кенг кўламли илмий-техник кооперация ва янги технологиялар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этиш, Ташкилотга аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилган.

Ўзбекистоннинг Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи ҳузурида буюк аждодлар кўп қиррали диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини, Тошкент ислом университети таркибида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилотининг махсус кафедрасини ташкил этиш ва Яқин Шарқда ҳам ядро куролидан холи ҳудудни яратиш борасидаги ташаббуслари халқаро ҳамжамият эътиборини ўзига жалб қилиши шубҳасиздир.

Ҳужжат БМТнинг 6 та расмий (рус, инглиз, араб, испан, хитой ва франсуз) тилларида тарқатилди ва Ташкилотнинг расмий ҳужжатлар тизимига киритилди.

## **Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти кенгаймоқда**

## **“Ўзэкспомарказ”да Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси очилди**

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан «Ўзбекизоқовқатхолдинг», «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниялари, «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси, «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компанияси ва «Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур ярмаркада мамлакатимизнинг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилишга ихтисослашган компаниялари иштирок этмоқда.

Форумда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби ўттиздан зиёд мамлакат қайта ишлаш ва савдо компаниялари, савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш ва фермерлик ҳаракатининг янада ривожланиши учун кенг йўл очиб берди. Натижада интенсив технологиялар мунтазам жорий қилиниб, сифатли ва мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Истиклолгача республикамизнинг дон, картошка, гўшт, сут ва бошқа асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланар эди. Соҳага қаратилаётган эътибор самарасида эндиликда халқимизнинг кундалик истеъмол товарларига талаби мамлакатимизда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан тўлиқ таъминланмоқда.

Халқаро мутахассисларнинг эътирофича, юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари сархиллиги, хуштаъмлиги, энг асосийси, фойдали ва тўйимлилиги билан минтақа ва жаҳон бозорида жуда харидорғир. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш ҳажми бўйича дунёда етакчи ўнта давлатдан биридир.

Жорий йилнинг 12-15 июль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам бунинг ёрқин исботидир. “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси маълумотларига кўра, ярмарка яқунлари бўйича қиймати 2 миллиард доллардан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 270 шартнома имзоланган. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 27 фоизини сабзавот, 25 фоизини узум, 20



фоизини мева, 17,6 фоизини қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини қовун ташкил қилган.

– Серқуёш юртингизда етиштириладиган меваларни, айниқса, олмани яхши кўраман, – дейди "Jiujiu Silk" компанияси директори Жу Лие (Хитой). – Кўргазмада биз учун янгилик бўлган картошканинг янги навини кўрдик ҳамда турп сабзавоти ҳақида билиб олдик. Аслида ҳам Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар саломатлик учун ғоят муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рациониди ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги, юқори сифати, экологик тоза ва хавфсизлиги, рақобатбардошлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради.

– Ўзбекистонда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик ҳам изчил ривожланмоқда,– дейди Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Евгений Громико. – Мамлакатингизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш жараёнининг барча босқичи замонавий талаблар асосида, хавфсиз технологиялар воситасида амалга оширилади. Шу боис мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш ҳажмини янада ошириш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Икки давлат ўртасида савдо ҳажми йил сайин ортмоқда. Мазкур ярмарка мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, боғдорчиликни ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда.

Унга кўра, халқимиз дастурхони тўқинчилигини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида истиқболда озиқ-овқат экинлари майдонларини кенгайтириш режалаштирилмоқда. 170 минг 500 гектар суғориладиган ерларга дон ва дуккакли дон, сабзавот, картошка, мойли ва озуқа экинлари, бошқа ўсимликлар экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади.

– Дунёнинг ривожланган мамлакатларида органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш ва унга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда, – дейди Ўзбекистон Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Рафиқ Ҳакимов. – Ўзбекистонда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг аксариятини экологик тоза, ҳозирги дунё ҳамжамияти томонидан органик деб номланаётган маҳсулотлар ташкил қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, экологик тоза маҳсулотлар истеъмол қилинганда одамларнинг ўртача умрининг ортиши, аҳоли орасида ҳар хил касалликлар тарқалишининг олди олиниши, болалар ўлимининг камайиши ва бошқа муҳим ижобий кўрсаткичларга эришилади.

2016 йил 19 сентябрдаги Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорда жорий йилнинг 20 сентябридан бошлаб мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушадиган валюта тушуми мажбурий сотув ставкаси 25 фоизни ташкил этиши белгилангани экспорт билан шуғулланувчилар учун яна бир қулайлик яратди.

Унда янги, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспортга етказиб бериш юклаб жўнатиладиган маҳсулот қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўлаш шартларида амалга оширилиши, қолган қисми учун тасдиқланган банк аккредитиви очилиши ёхуд биринчи классли хорижий банк кафолати расмийлаштирилиши ҳам кўрсатилган.

Халқаро форум озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда ҳўл ва қурук мевалар, сабзавотлар, кўкатлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зираворлар, ичимликлар, қадоклар ва қадоклаш технологиялари, транспорт ва логистикага оид бўлимлар ишлаб турибди.

Ярмарка доирасида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчилар ва уларнинг ҳамкорлари иштирокида давра суҳбатлари, музокаралар ташкил этилиши, ярмарка қатнашчиларининг интенсив боғларга, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга, совутиш комплексларига ташриф буюришлари ҳам режалаштирилган.

## **Трамп Эрон атоми бўйича келишувни қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқчи**

АҚШ президенти этиб сайланган Дональд Трамп Эрон ядровий дастури бўйича келишувни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартиришлар киритишни талаб қилади, деб маълум қилди Трампнинг ташқи сиёсат бўйича маслаҳатчиси Валид Фарес. Бу ҳақда РИА “Новости” ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Трамп бир неча маротаба Эрон билан келишувни танқид қилган. Эрон келишувга кўра халқаро санкциялар бекор қилиниши эвазига ўз ядровий дастури тинч кўринишда бўлишини кафолатлаган.

"Трамп бу келишувни олиб, қайта кўриб чиқиб, уни конгрессга юборади, эронликлардан баъзи бандларни қайтариш ёки ўзгартиришни талаб қилади ва бу муҳокама қилинади", деб маълум қилди Фарес ҳамда Трамп маъмурияти келишувни ҳозирги кўринишда қабул қилмаслигини қўшимча қилди.

9 ноябрда Эрон парламентининг миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсат масалалари бўйича қўмитаси раиси Оловиддан Бўружерди АҚШнинг

янги президентидан Эрон ядровий дастури бўйича келишувга хурмат билан муносабатда бўлишини кутиб қолишини айтганди.

## **ОАВ: Россия ва Хитой сунъий йўлдошлар "қотилини" яратмоқда**

Россия ва Хитой душман сунъий йўлдошларини йўқ қилиб юборишга кодир қурол яратиш устида биргаликда ишламоқда, деб хабар бермоқда The National Interest.

Хабарда айтилишича, Россия ва Хитойда ер, ҳаво ва орбитада жойлашадиган сунъий йўлдошларга қарши тизимлар яратилмоқда. Гап йўлдошларни йўқ қилувчи тизимлар ва радиоэлектрон кураш воситалари ҳақида кетмоқда.

"2013 йил майида Хитой катта баландликка тадқиқот ракетасини учирди, бу ракета ер атрофидаги орбитага етиб, геостационар орбитада йўлдошларга хужум қилиш воситаларини намойиш қилди", деб ёзмоқда The National Interest.

Нашрда алоҳида таъкидланишича, АҚШнинг 2010 йилда қабул қилинган коинот дастурида бундай воситаларни яратиш кўзда тутилмаган. Бу эса "коинот Пёрл-Харбори" деб аталувчи вазиятга олиб келиши мумкин.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А